Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Нархи 3 сўм.

1992 йил 9 сентябрь, чоршанба № 178 (21.277)

БУГУНГИ СОНДА:

● РЕСПУБЛИКАМИЗДА ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИ БОШЛАНДИ. ХИРМОНИНГИЗГА БАРАКА, АЗИЗ ПАХТАКОРЛАР! (1-БЕТ)

● «МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИ — ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИ» ЙЎҚЛАМАСИДА: ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА НАВОИ ВИЛОЯТИ (2-БЕТ)

● ОБРЎ НИМА БИЛАН ЎЛЧАНАДИ? ЎЗБЕКИСТОН ХДП САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ БЮРОСИ МАЖЛИСИДАН ҚАЙДЛАР (3-БЕТ)

● ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА! БУЮК БРИТАНИЯНИНГ «БИ-ПИ» ФИРМАСИНИНГ ВАКИЛИ БЎЛИШНИ ИСТАЙСИЗ МИ? (4-БЕТ)



Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов 7 сентябрь куни оммавий ахборот воситаларининг намояндалари, Тошкентдаги ҳорижий элчихоналарнинг ходимлари билан шошилинч учрашув ўтказди. Учрашув Тожикистонда юз берайётган воқеаларга бағишланди.

Ислом КАРИМОВ:

ТОЖИКИСТОН ТАҚДИРИ — БУТУН ЎРТА ОСИЁНИНГ ДАРДИ ВА ТАШВИШИ!

Қўшни мустақил республикадаги хатарли вазият, юзлаб бегуноҳ одамларнинг ҳалок бўлиши инсон мантиқининг ўзига зидлиги таъкидланди. Эллик миллиондан ортиқ аҳоли зич яшайдиган Ўрта Осиё минтақасида бундай ёнғин олдиндан билиб бўлмайдиган оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Ҳеч муболағасиз Тожикистонда оғир жанговар техника қўлланилаётган чинакам уруш бўлмоқда, дейиш мумкин. Одамларни ваҳшийларча ўлдиришяпти. Аҳвол шу даражага бориб етдики, шаҳар ва қишлоқларда ҳалок бўлганларни дафн этиш имконияти йўқ.

Баъзи бировлар Тожикистонда юз берган вазиятга ҳаёсиз-ғаразли ҳудудий-сиёсий мақсадларни кўзлаб қараётганлиги катта ташвиш туғдирмоқда. Бир қанча қўшни мамлакатларда ислом цавлатини барпо этишда тожик биродарларга кўмаклашиш зарур, деган даъватлар эшитилмоқда, фақат пул билан эмас, айни пайтда қурол билан ҳам ёппасига ёрдам кўрсатилмоқда.

— Тожикларнинг ўзларигина ораларида чиққан можарони ҳал этишлари мумкин ва лозим, — деди И. А. Каримов. — Ўзбекистон мустақил республика ишларига аралашмасликни қатъий талаб қилади. Лекин Ўзбекистон у ерда юз бераётган жараёнларга бефарқ қараб тура олмаиди: Тожикистон билан Афғонистон ўртасидаги чегара амалда очиқ чегарага айланиб қолди, Афғонистонда юз минглаб кишиларнинг қўлида қурол бор, бинобарин бу аҳвол аҳоли зич жойлашган катта минтақада кескинликнинг янги ўчоғини келтириб чиқариши мумкин. Шу сабабли Ўзбекистон можарони тинч ва маърифий йўл билан тезроқ ҳал этиш тарафдоридир.

Журналистлар билан учрашувда Ўзбекистон раҳбари қўшни республикадаги воқеаларга айрим гуруҳлар ёки уруғ-аймоқларнинг қандайдир хусусий можароси, деб қарамаслик лозимлигини таъкидлади. У ерда кучли сиёсий кураш кетмоқда, бу курашга қўшни мамлакатлардаги турли сиёсий партияларнинг вакиллари аралашишга уринмоқдалар. Бундай вазиятда уруш олови аланга олишига, мустақил республиканинг парчаланиб кетишига мутлақо йўл қўйиш мумкин эмас. Бундай вазиятда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши ҳал қилувчи иш тутиши мумкин. Юз берган воқеаларни қайд этиш билан шуғулланадиган вақт ўтди. Энди воқеаларнинг олдини олиш керак. Шунинг учун ҳам халқаро ташкилотларнинг намояндалари Тожикистонга мумкин қадар тезроқ келишлари лозим. Шу ўринда Қўшма Штатларнинг тутган йўли ҳурматга лойиқдир. Унинг ҳукумати тоғли республикада можаронинг кучайишидан ташвишланмоқда.

Чегараларнинг барбод бўлиши, тартибсизлик ва бошбошдоқлик Тожикистоннинг ўзигагина эмас, балки Ўрта Осиёдаги барча республикаларга, Қозоғистон ва Россияга салбий таъсир қилиши мумкин. Яқин қўшниларимиз ҳудудида тинч ҳаётни барпо этиш, ҳосилни йиғиштириб олиш ўрнига қон тўкилмоқда. Қариялар, аёллар, болалар ҳалок бўлмоқда. Республика очлик жари ёқасида турибди. Буни ҳам ҳисобга олиш зарур. Ҳозирги вақтда энг асосий иш — ҳунрезликни тўхтатиб, Тожикистон чегараларининг яхлитлигини сақлаб қолишдир. Ташқи чегаралар деб аталмиш чегаралар пировард натижада Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги барча мамлакатларнинг чегараларидир.

Қочоқлар тўғрисида гапирадиган бўлсак, Ўзбекистон ўн минглаб одамларни қабул қилиб олишга қодир эмас. Бу ерда қардош халқнинг муаммоларига ҳеч ким бефарқ қарай олмайди, албатта. Қўшнилар турмушини меъёрий изга солишда Ўзбекистон баҳолиқудрат ҳар қандай ёрдам кўрсатишга тайёр. Бу мураккаб муаммо хусусида республика ҳукуматининг тутган йўли бир хил: Тожикистонда яшаётган тожиклар ва ўзбеклар шу мустақил республиканинг тўла ҳуқуқли фуқароларидирлар, улар республикалар Конституциясига риоя этишлари керак. Бу воқеалар миллатлараро нифоқ алангасини авж олдиришга уринишга айланиб кетиши мумкинки, бу энг даҳшатлисидир. Олдин ҳам ана шундай уринишлар бўлган. Ўш вилоятидаги фожиали воқеаларни эслашнинг ўзи кифоя.

Афсуски, бу воқеалардан ҳамма ҳам ўзига хулоса чиқариб олмади. Атайлаб одамларнинг миллий туйғуларидан ғаразли мақсадларда фойдаланиб қолишга, адоват уруғини сочишга уринаётганлар ҳам бор.

Ўрта Осиё башорият маърифатининг марказларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Бу ерда минг йиллик тарихга эга бўлган халқлар яшамоқда. Тожикистондаги ҳозирги воқеалар, у ерда юз бераётган бошбошдоқлик шошилинч чоралар кўришни талаб қилади. Лекин, муҳим бир шарт бор — ташқаридан ҳеч қандай кучлар аралашмасин! Мустақил давлатнинг ишларига аралашишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Унинг халқи тараққиётнинг қандай йўлидан боришни ўзи белгилаб олиши керак.

Айни пайтда шу минтақада яшаётган халқлар бу йўлнинг қандай бўлишига бефарқ қарай олмайдилар. Шу сабабли Президент И. А. Каримов БМТ Бош котиби Бутрос Галига мактуб йўллаб, қўшни республикадаги воқеалар хусусида Ўзбекистон раҳбарияти фикрини аниқ баён қилиб берди. Халқаро ҳамжамиятнинг ўз вақтида таъсирчан ёрдам беришигина ёш мустақил давлатларда бошланган демократиялаш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнларини қўллаб-қувватлашнинг ҳал қилувчи омили бўлади, дейилади мактубда.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов журналистларнинг бошқа саволларига ҳам батафсил жавоб қайтарди.



СУРАТЛАРДА: учрашув пайти.
Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.

● ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

РАСМИЙ ТАШРИФЛАР

● **Финляндия Президенти Мауно Койвисто расмий ташрифлар билан Қозоғистон ва Ўзбекистонга келади.**

Фин давлати девонининг бошлиғи шуни маълум қилди. Олий даражали меҳмон 28 сентябрь куни Олмаотага ташриф буюргач, икки кундан сўнг Тошкентга келади. Ташриф чоғида меҳмон Нурсултон Назарбоев ва Ислом Каримовлар билан музокара ўтказади.

Маълумки, Туркистондаги икки қардош мамлакат раҳбарлари шу йилнинг июль ойида бўлиб ўтган олий даражадаги Умумевропа кенгаши чоғида финлар заминининг азиз меҳмонлари сифатида қабул қилинган эдилар.

— Бу — олис Шимолдаги мамлакатлардан биринчи марта юксак мартабали меҳмоннинг озод Туркистонга келишидир.

Ўзбекистон — ПИ аъзоси

● **Душанба куни Швеция пойтахтида Парламентлараро Иттифоқ (ПИ)нинг 88-анжумани ўз ишини бошлади. Ушбу ташкилотга Ўзбекистон янги аъзо сифатида қабул қилинди, деб хабар тарқатди бир қатор агентликлар.**

Бенин, Мали ва Судан сингари давлатлар ташкилот аъзолигига қайта тикланди. Чунки бу ўлкаларда демократия талабларини писанд қилмайдиган тузум ўрнатилгач, улар аъзолик ҳуқуқидан маҳрум этилган эди.

Афғонистон, Экваториал Гвинея ва Гондурас Иттифоқидан чиқарилди. Маълумки, шу йил апрель ойида Афғонистон парламенти тарқатиб юборилган эди. Экваторал Гвинея ва Гондурас эса халқаро ташкилот олдидаги иқтисодий ва маъмурий мажбуриятларини бажармай қўйгани учун жазоланди.

Бугунги кунда Парламентлараро Иттифоққа жаҳоннинг 117 давлати аъзодир. Бундай обрўли халқаро ташкилотга аъзо бўлиб кириш мустақил мамлакатимиздаги қонунчилик ривожига ишонч туғдиради. (ЎзА).

● ХДП ҳаётидан

ЧИНАКАМИГА ИШЛАШ ДАВРИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов Бухоро вилояти партия ташкилотларида бўлди. Дастлабки мулоқот 7 сентябрь куни Ғиждувон шаҳрида бўлиб ўтди. Биринчи котиб аҳоли истиқомат жойларидаги партия ташкилотларининг фаолияти, иш услублари, қўйилган вазифаларни қандай адо этаётгани, ишдаги муаммолар билан қизиқди.

У «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги далаларида бўлиб, йиғим-теримга тайёргарликнинг бориши билан танишди.

Ж. Ризванов, Х. Равшанов каби уста пахтакорлар бошчилик қилаётган бригадаларда ҳосилнинг чўғи айниқса баланд. Улар бу йил ҳар гектар ердан 41 центнердан ҳосил кўтариш ниятида. Президент Фармони билан хўжалик ихтиёрига қолдириладиган 15 фоиз ва қўшимча етиштирилган ҳосил эвазига бу йил 65 миллион сўм даромад олиш кўзда тутилган. Айни маҳалда хўжаликда ўртача ойлик иш ҳақи 1750 сўмни ташкил қилмоқда. Илғор механизаторлар эса 3500 сўмгача маош олишяпти.

Хўжаликнинг 7-бригадаси дала шийпонида бўлиб ўтган учрашувга бригада бошлиқлари, механизаторлар, колхозчи хотин-қизлар келишди. Биринчи котиб уларнинг турмуш шароитлари, кундали истеъмол моллари билан таъминланиши тўғрисида қизиқиб суриштирди. Бу соҳадаги айрим узилишларнинг боисини тушунтирди. Саволларга жавоб берди.

Куннинг иккинчи ярмида Ғиждувондан Вобкент районига ўтилар экан, бир гуруҳ кишилар машинани тўхтатишди. Улар биринчи котиб ташриф буюрганини эшитиб, у билан учрашиш илинжида эканлар.

— Ҳозир қийин давр, аммо баъзилар айтаётганидек қимматчилик, қаҳатчилик эмас, — деди улардан бири Темир ака Набиев. — Уруш йилларида барча эркаклар фронтда эди. Биз бир кило буғдойни 120 сўмдан сотиб олиб, жон сақлаб қолганмиз. Президентга айтинг, халқ бу қийинчиликларни у киши билан биргаликда енгади. Фаровонлик учун куч-ғайратимизни аямаймиз.


Темир ака бундан бир неча йил муқаддам оила аъзолари билан бирга 13 гектарли янги ер яратди. Катта умид билан бу боғни «Наврўз» деб атади. Мустақилликнинг бир йиллик байрами кунларида боғнинг дастлабки ҳосили узилди. Ҳозир хўжалик боғбонлари мана шундай ташаббускорлик кўрсатиб, учта шундай янги боғлар яратишди.

Мазкур хўжаликка мустақиллик байрами кунлари бутун умрини пахтага бағишлаган Ином Наимов номи берилди. Бу партия ходими хизматига халқнинг берган энг юксак баҳосидир. Хўжаликда 126 нафар ХДП аъзолари бор. Улар қишлоқлардаги 9 та партия ташкилотига уюшган. Косаве қишлоқ партия ташкилоти шуларнинг биридир. Бу ташкилот меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, уларни кундалик зарур истеъмол моллари билан бир маромда таъминлаш, тўй ва бошқа маросимларни кам харж ўтказишни доимий назорат остига олган. Қишлоқдаги «Олмазор» чойхонасига тўпланган вобкентликлар билан учрашувда шу тўғрида сўз борди.

Эртасига шундай учрашувлар Бухоро шаҳри, Жондор райони партия ташкилотларида ҳам бўлиб ўтди. Жон-

(Давоми учинчи бетда).

ИСТИҚЛОЛ ДОРИЛФУНУНИ



И. А. КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласини газетамизда эълон қилишни давом эттирмоқдамиз.

(Иккинчи ва учинчи бетларга қаранг).

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДА ТЕРИМ БОШЛАНДИ

СУРХОНДАРЁ:

Термиз ва Музрободда пахта йиғим-теримига киришилди.

Термиз районининг «Дўстлик» жамоа хўжалигида теримчига ҳар бир килограмм пахта учун икки ярим сўмдан иш ҳақи тўлаш белгиланди. Табиийки, бундан теримчилар хурсанд. Хўжаликнинг Ж. Чориев, Р. Сафаров, Қ. Мирзаев бошлиқ бригадаларида йиғим-терим юқори унум билан бормоқда. Айни пайтда вилоят пахтакорлари ғўза баргини тўктиришга киришдилар. Бу иш Шеробод районининг У. Юсупов номли, «Шеробод», Музробод районининг А. Набиев номли, Термиз районининг «Гулбаҳор» давлат хўжаликларида бошланди.

Бу йил Сурхондарёда 130 минг гектар майдонда пахта етиштирилади. Давлатга 430 минг тонна пахта сотилиши мўлжалланмоқда. Ҳосилнинг асосий қисми машиналарда терилади. Мавсум учун 2825 та пахта териш машинаси, 9 мингга яқин пахтани ташиш воситалари тайёрлаб қўйилди. Вилоятнинг бошқа районларида ҳам эрта-индин пахта йиғим-теримига киришилади.

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚАШҚАДАРЁ:

Ғузор районидаги Охунбобоев номли давлат хўжалиги пахтакорлари Қашқадарё вилоятида биринчилардан бўлиб ҳосил йиғим-теримига киришдилар.

Хўжаликнинг Н. Бойқулов бошлиқ ижарачилар бригадаси даласида йиғим-терим ишлари оммавий тус олди.

Совхознинг М. Муродов бошлиқ бригадасида ҳам пахта терими қизғин. Ҳар иккала бригада заршунослари бу йил 30 центнердан ҳосил кўтариш ниятида тер тўкишмоқда.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ЖАНОБ ИСЛОМ КАРИМОВ ОЛИЙ ҲАЗРАТЛАРИГА

Олий ҳазрат!

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик куни бўлмиш бахтли дамларда Сиз, олий ҳазратни қутлаб, самимий салом ва табригимни юбораётганимдан ғоят мамнунман.

Биз фаолиятимиз келажакда нафақат биргаликда тараққий этишига, балки икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни тинчлик, хавфсизлик ва халқаро бирдамлик асосида такомиллашувига умид қиламиз.

Мен ўртамиздаги дўстлик алоқаларининг янада ўсиб боришига чин кўнгилдан ишонаман.

Келажак йилларда иккала мамлакат халқлари бир-бирларига ўзаро фойда келтирадилар.

Марҳамат қилиб, Сизга бўлган энг юксак ишончимни қабул этсангиз.

Абдур Раҳмон БИСВОЗ,
Бангладеш Халқ Республикасининг Президенти.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ 1992 ЙИЛ 25 АВГУСТ ФАРМОНИ НАФАҚАХЎРЛАРГА ҚАНДАЙ НАФ БЕРАДИ?

1992 йил 1 сентябрдан нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидаги ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисидаги Фармон меҳнат стажининг оз-кўплигига ва маош миқдорига қараб меҳнат нафақаларини табақалаштириб белгилаш қоидасини тиклайди

Аввало, республикада энг оз миқдордаги нафақаларнинг янги, юқорироқ миқдори белгланиб, 1250 сўмга етказилди. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронларининг энг оз пенсияси ойига 1300 сўмдан 1600 сўмгача кўтарилади. III гуруҳ уруш ногиронларининг энг оз нафақаси 1250 сўмга етказилди. Шуни айтиш жоиздирки, ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасидаги энг оз нафақалар даражаси Ҳамдўстликдаги энг юқори даражалардан бири деса бўлади.

Президентнинг Фармонига биноан 1 сентябрдан бошлаб нафақаларнинг табақалаштирилган миқдорлари жорий этилади. Буни қандай тасаввур этиш мумкин?

Бу ўринда гап ўтмиш йиллардаги маошни тўлдириб ҳисоблаш, уни мослаш коэффициентига кўпайтириш ҳақида бормоқда. Мазкур коэффициентнинг миқдори нафақа белгиланган ёки қайта ҳисобланган йилга боғлиқ. Қайтадан ҳисоблаб чиқилган маошга асосланиб нафақанинг янги миқдори ҳам белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан қуйидаги коэффициентлар тасдиқланди:

йиллар	мослаш коэффициенти
1970 йил охиригача	22,8
1971 йил	22,3
1972 йил	21,6
1973 йил	20,9
1974 йил	19,6
1975 йил	19,1
1976 йил	18,6
1977 йил	18,3
1978 йил	17,5
1979 йил	17,1
1980 йил	16,9
1981 йил	16,5
1982 йил	16,4
1983 йил	16,1
1984 йил	16,1
1985 йил	15,9
1986 йил	15,8
1987 йил	15,4
1988 йил	14,4
1989 йил	13,5
1990 йил	12,1
1991 йил	8,0
1992 йил 1 июлгача	2,6

Коэффициентлар жадвали — шунчаки танлаб олинган рақамлар эмас, бу коэффициентлар ўртача иш ҳақи даражасининг кўтарилиш тамойилини тўла-тўкис акс эттиради. Масалан, 1992 йил иккинчи ярмидаги ўртача маош 1975 йилги ўртача маошдан 19,1 баравар ёки 1988 йилги ўртача маошдан 14,4 баравар ортиқдир. Шундай қилиб, амалдаги нафақа қонунларини ўзгартирмай, унинг энг муҳим қоидалари ва меъёрларини сақлаб қолиб, айни вақтда ўтмиш йилларнинг маоши «замонавийлаштирилади» ва, табиийки, нафақа миқдори ҳам «замонавийлаштирилади».

Мослаш коэффициентларининг амал қилишига қараб нафақахўрлар икки гуруҳга бўлинди. 1992 йил 1 январигача нафақа чиққан ёки уни катта миқдордаги маошдан қайта ҳисоблатиб олган кишилар биринчи гуруҳга киритилди. 1992 йилда нафақага чиққан ёки уни қайтадан ҳисоблатиб олган нафақахўрлар иккинчи гуруҳга ўтказилади.

1992 йил 1 январгача нафақага чиққан нафақахўрлар учун нафақа белгиланган ёки кейинчалик қайта ҳисоблатиб олинган ўртача маош нафақа белгиланган ёки кейинчалик қайта ҳисоблатиб олинган йилга мувофиқ келадиган маошга мослаш коэффи-

(Давоми учинчи бетда).

ШАРОФ РАШИДОВ НОМЛИ ЖАМҒАРМАГА МАБЛАҒ ЎТКАЗУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЖАМҒАРМАГА ДАСТЛАБКИ УЛУШЛАР

Аввал хабар қилганимиздек, Шароф Рашидов номли жамғармага дастлабки улушлар келиб туша бошлади. Ўзбек халқининг атоқли фарзанди таниқли давлат ва жамоат арбоби номи билан боғлиқ саховатли ишларга ҳисса қўшишни истаган фуқаролар, ташкилот ва хўжаликлар, хориждаги ватандошлар ва фуқаролар мазкур жамғарма ҳисобига тегишли маблағ ўтказгач, бу ҳақда тегишли маълумотни қуйидаги манзилгоҳга юборишлари сўралади.

Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32-уй, 346-хона, Шароф Рашидов номли жамғарма дирекцияси.

Маълумот учун телефонлар: 33-65-45, 33-41-89, 32-74-33.

Эслатиб ўтамиз: Шароф Рашидов номли жамғарманинг банк ҳисоби:

СЎМЛАР УЧУН — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар операция бошқармасининг Ҳисоб-китоб марказида ҳисоб рақами — 000700825, код рақами 172682116;

ВАЛЮТА УЧУН — Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида Шароф Рашидов номли жамғарманинг ҳисоб рақами — 97380090/001.

И С Т И Қ Л О Л

Қишлоқ хўжалиги ишлаб-чиқаришини ёппасига давлат тасарруфидан чиқаришдан воз кечиш бизнинг қатъий позициямиздир.

Биринчи навбатда, зарар келтирадиган давлат хўжаликларини (совхозларни) жамоа хўжаликларига (колхозларга) айлантириш устивор йўналишдир. Кейинчалик жамоа хўжаликларининг ўзлари ҳам йирик кооператив хўжаликларга айланади ва уларнинг асосини деҳқон (фермер) хўжаликлари, кичик корхоналар, катта бўлмаган кооперативлар, оилавий пудрат ва ижара жамоалари ташкил этади. Жамоа хўжалиги бошқаруви ва деҳқон хўжаликлари ўртасида шартнома муносабатлари бўлиши керак. Жамоа хўжалиги уларнинг ривожланишини рағбатлантирмоғи лозим. Унинг асосий вазифаси турли хил хизматларни ташкил этишдан, зарур техника, минерал ўғитлар, уруғлик жамғармаси билан таъминлашдан, ерларнинг унумдорлигини ошириш чора-тадбирларини амалга оширишдан, ирригация ишларини йўлга қўйишдан иборат бўлиши лозим.

Етарлича самара бермаётган пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан бўшаб қолаётган ерларни деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил этишга, шахсий томорқа участкаларини кенгайтиришга бериш йўли бундан кейин ҳам давом эттирилади. Кейинги йилларда 2,5 миллион оила биринчи марта ер участкалари олдилар ва ўз ер участкаларини кенгайтирдилар. Олинган ерларнинг умумий майдони эса 550 минг

(Давоми. Боши газетамизнинг 27, 28, 29 август, 3 ва 4, 5, 8 сентябрь сонларида).

52.

гектардан ошиб кетди. «Маълумот учун: 1990 йил 1 январда унинг ҳажми ҳаммаси бўлиб 205 минг гектарни ташкил қиларди. Томорқа участкаларининг ўртача ҳажми 20 сотихдан ошди. Бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, меҳнат талаб этадиган янги соҳаларни ташкил этиш ҳамда қишлоқ аҳолисининг даромадларини ошириш имконини берди. Шахсий томорқалар ҳажмини янада кенгайтириш ва уларни 0,25 гектарга етказиш назарда тутилмоқда.

Аграр сиёсатнинг асоси — давлатнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тўғридан-тўғри бошқариб боришдан воз кечишдир. Хўжаликлар, деҳқонларнинг ўзи экин майдонлари тузилмасини белгилашлари керак. Мажбурий маҳсулот етказиб беришлар улушини камайтириш йўли изчил давом эттирилади. Деҳқон маҳсулотларни тобора кўпроқ ўз ҳоҳишича, эркин (шартнома) нархлари бўйича сотиши мумкин бўлади.

Умумдавлат эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган маҳсулотларга адолатли чегаралланган харид нархлари белгилаш муҳим рағбатлантирувчи омил ҳисобланади. Кейинги икки йил ичида амалда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг барча турларига харид нархлари жиддий равишда оширилди. Фақат пахтанинг харид нархи 6 баравар ошди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархини саноат маҳсулотлари нархига мувофиқ келтириш юзасидан бошқа тадбирларни ҳам амалга ошириш мўлжалланган. Қишлоқ билан саноат ўртасидаги мувозанатни тиклаш фурсати етди.

Иқтисодий тартибга солиш билан бир қаторда давлат солиқларидан озод қилиш, мақсадли дотациялар орқали ҳам қишлоқ хўжалигига тўғридан-тўғри ёрдам кўрсатади. Бутун дунёда қишлоққа дотация бериш мавжуддир.

53.

Қишлоқ таркибини тубдан қайта кўриб чиқиш керак бўлади. Хўжаликлар хом ашёни эмас, балки пахта толаси, уруғлик, қайта ишланган бошқа маҳсулотларни сотишлари керак. Бу меҳнат натижаларидан тўлароқ фойдаланиш, олинган даромадни адолатли тақсимлаш имконини беради. Қишлоқда, биринчи навбатда, ишчи кучлари ортиқча бўлган жойларда кичик мустақил корхоналарнинг кенг тармоқли қайта ишлаш шохобчаларини ташкил этиш зарурдир.

Қишлоқ турмуш даражасини шаҳар турмуш даражасига қадар кўтариш бутун аграр сиёсатнинг жуда муҳим вазифасидир. Қишлоқларимиздаги ижтимоий аҳволни яхшилаш, уларни сув ва газ билан таъминлаш дастурларини рўёбга чиқариш — бу сиёсий мазмунга эга бўлган давлат аҳамиятига молик вазифадир.

Иккинчидан, бозор таркибини шакллантиришга ва уни изчил ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилади.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ишончли кафолатлашни таъминлайдиган ҳуқуқий асосни шакллантириш биринчи даражали вазифадир. Маъмурий-буйруқбозлик тизимининг ўзини оқламаган лаёқатсиз томонларидан воз кечмоқ даркор. Уларни бозор муносабатлари механизмининг самарали ва амалий жиҳатлари билан алмаштирмоқ лозим.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бозорнинг кенг тармоқли инфраструктурасини ташкил этишни талаб қилади. Аввалambор, банк-кредит тизимини мустаҳкамлаш, бериладиган кредитлар турларини ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда банкларнинг иштирок этишини кенгайтириш зарурдир. Шартнома тизимини янада кенгайтириш, биржа фаолиятини такомиллаштириш, тижорат марказлари, савдо уйлари, воситачилик фирмалари ва бошқаларнинг ишини ташкил этишни яхшилаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Суғурта ва аудиторлик хизматларининг, юридик ва консалтинг ташкилотларининг, шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида ишлашга қобилиятли бўлган мутахассислар тайёрлайдиган ҳар хил марказлар ишини фаоллаштириш бозор шароитларида тадбиркорларнинг барқарор ишлашига кўмаклашади.

Солиқ тизими ҳам бозор инфраструктурасининг таркибий қисми ҳисобланади. Уни ҳали чинакамига ташкил этишга тўғри келади. Солиқ хизмати фақат солиқ тўплаш идорасигина бўлиб қолмасдан, балки тадбиркорларга уларнинг молиявий фаолиятини ташкил этишда ҳамда молия интизомига риоя қилинишида кўмаклашиши керак.

Монополияга қарши кураш чораларини кўриш, маҳсулот етиштирувчининг истеъмолчи устидан ҳукмронлик қилишига барҳам бериш иқтисодиётнинг самарали ривожланишига, бозорнинг товарлар ва хизматлар билан тўлиши вазифасига жавоб беради. Айрим корхоналар ва тижорат тузилмаларининг якка-хонлик мавқеини тугатиш нархларнинг

54.

55.

«Мустақиллик йўли—истиқбол йўли» байрам йўқламаси

• ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

ИСТИҚЛОЛ БАЙРОҒИ ҲИЛПИРАБ ТУРСИН

ОРЗИҚИБ кутган кунларга етишдик. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси олдида Ўзбекистоннинг ҳам давлат байроғи ҳилпирамоқда. Уни мустақил давлат сифатида жаҳондаги 120 дан ортиқ мамлакат тан олди. Қорақалпоғистон республикаси ҳам миллий истиқлол нуридан баҳраманд бўляпти.

Халқимиз мустақиллик шарофати туфайли ўзлигини таниб, эркин нафас олмоқда. Миллий қадриятларимиз тикланмоқда. Қорақалпоғистонда кейинги 70 йил давомида асосан деҳқончилик билан шуғулланиларди. У хом-ашё етиштирадиган ўлкага айланиб қолганди. Бугунги кунда қорақалпоқ халқи ҳам бозор иқтисодиёти қийинчиликларини ўз бошидан ўтказмоқда. Бу қийинчиликларни бартараф этишда Республика Президенти, Ислом Каримов, Ўзбекистон ҳукумати бизга катта мадад беряпти. Яқинда Қорақалпоғистон республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташкил этилди. Туркиянинг «Язекс» фирмаси билан ҳамкорликда Нукус шаҳрида ип газлама ишлаб чиқарадиган йирик енгил саноат комплекси қурилиши бошлаб юборилди. Туркиялик ишбилармонлар республикамизнинг иқтисодиётини ривожлантириш учун билимдон мутахассислар тайёрлашга ҳам кўмаклашмоқда. Халқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган қатор тадбирлар режалаштирилмоқда. Нукус кабел заводи. Хўжайли шиша идишлар заводи қурилишлари ана шулар жумласидандир. Яқинда Ўрта Осиё темир йўл бошқармасининг Оролбўйи темир йўл бўлими тузилди. Ўзбекистон фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали бўлимга айлантирилиб, қайта ташкил этилди. Ўзбекистон давлат аграр иқтисодиёт университетининг Қорақалпоғистон бўлими очилди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси ҳукумати бошқа соҳаларда ҳам бизга ёрдам қўлини чўзмоқда. Шу йилнинг бошида рўй берган табиий офатни бартараф қилиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳукумати енгил шартлар билан 350 миллион сўм қарз берди. Шу билан бир қаторда Қорақалпоғистоннинг иқтисодий ва маданий соҳаларидаги тараққиётини тезлаштиришга қаратилган тадбирлар белгиланмоқда. Бунинг учун қорақалпоқ халқи номидан ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Қорақалпоқ, ўзбек, қозоқ, туркман ва бошқа халқлар Хоразм воҳасида кўп асрлардан буён бир-бирлари билан тинч-тотув ва иноқ яшаб келганлар. Бундан буён дўстлигимиз янада мустаҳкамланади. Бозор муносабатлари қийинчиликларини енгишда дўстлигимиз бизга мадад беради.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши билан ҳукумати, барча меҳнаткашлари номидан ўзбекистонлик қардошларимизга мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги эзгу ишларида катта муваффақиятлар тилайман. Меҳнатсевар, меҳмондўст, бағри кенг ўзбек халқи боши узра мустақиллик байроғи абадий ҳилпираб турсин.

У. АШИРБЕКОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раиси.



Ушбу суратда Тахиатош ГРЭСИ илғор ишчилари Г. Трубников (ўнгда) ва А. Шендерларни кўриб турибсиз.

А. МУРОТОВ олган сурат.

ҲАМКОРЛИК ОРҚАЛИ БУНЁДКОРЛИККА

Мустақиллик бир йиллиги якунларини таҳлил қилиш Қорақалпоғистон иқтисодий ҳаётидаги фаоллик кучайганини кўрсатмоқда. Ўзбекистон ҳукумати жойлардаги аҳволни яхши ўрганиб, бу ерга анча миқдорда кредит беришга қарор қилди. Ярим йил ичида 380 миллион сўмдан кўпроқ қарз пули ажратилди. Бундан ташқари деҳқончилик—саноат банки минтақадаги экология вазиятини эътиборга олиб, бир миллиард сўмга яқин ресурссиз кредит ажратди. Қорақалпоғистон ривожланган мамлакатлардаги сармоядорларнинг ҳам эътиборини ўзига қаратди.

Буларнинг ҳаммаси катта лойиҳаларни амалга оширишга киришиш, масалан, Туркия ва Америка фирмалари билан биргаликда нефть, газ ва бошқа хом ашё манбаларини батафсил қидириш ишларини бошлаш имконини берди. (ЎзА).

Қораўзак район матлубот жамияти қошидаги 1-тикув бўлими тикувчиси Ғумша Аймуродова буюртмачилар ҳурмат ва олқишига сазовор бўляпти.

СУРАТДА: Ғ. Аймуротова.
П. ТУРАПБОЕВ олган сурат.



ПАХТА—БОЙЛИГИМИЗ

ХЎЖАЛИГИМИЗ асосан пахта етиштиришга ихтисослаштирилган.. Ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш шароитида «оқ олтин»дан зарар кўраётганимиз йўқ. Ундан олаётган даромадимиз бугунги иқтисодий қийинчиликларни бартараф этишда, кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва бошқа табақа фуқароларининг ижтимоий турмуш шароитларини яхшилашда мадад бўляпти.

Бу йил хўжалигимиз аъзолари 1400 гектар майдонга чигит экиб, гектаридан 29 центнердан ҳосил кўтариш ниятида меҳнат қилмоқдалар. Жамоамиз ўтган хўжалик йилида 4 миллион сўм соф фойда олди. Унинг бир қисми фуқароларни ижтимоий ҳимоялашга, маълум қисми эса ободончиликка сарфланяпти.

Кўчаларга асфальт ётқизилиб, улар тартибга келтириляпти. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида водопровод қувурлари ётқизилди. 700 хонадон газлаштирилди. Йил охиригача яна 5 километрли газ қувурлари ётқизилади. Келгуси йилнинг биринчи ярмида хўжалигимиздаги барча хонадонлар «зангори олов»га эга бўладилар. Мустақиллик байрами арафасида 30 ўринли шифохона беморларни қабул қила бошлади. Булардан ташқари йилига 3 миллион дона ғишт ишлаб чиқарадиган ғишт заводи ва бир неча кичик корхоналар ишлаб турибди. Аҳолини иш билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Тўрткўл шаҳридаги тўқимачилик фабрикасининг филиали ташкил этилди. Бу ерда 370 нафар тикувчи ишламоқда. Улар ёстиқ жилд, чойшаб, кўрпа тикишарди. Эндиликда эса эркаклар кўйлаги ва бошқа кийимлар тикишни ўзлаштирмоқдалар. Яқин келажакда бу ерда ишлайдиган тикувчилар сонини камида минг кишига етказиш мўлжалланмоқда.

А. АБДУКАРИМОВ,
Тўрткўл районидаги «Шўрахон» жамоа хўжалиги раиси.

• НАВОИЙ

ОРЗУЛАР РЎЁБГА ЧИҚҚАНДА

Вилоят қайта ташкил топганидан кейин ўтган даврга назар ташлайдиган бўлсак, ютуқларимиз қувонарли, албатта. Етти ой давомида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,1 миллиард сўмни ташкил қилди. Қарийб 300 миллион сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилди. Халқ истеъмоли моллари эса 965 миллион сўмни ташкил этди. Бу ўринда «Навоий азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, электр кимё корхонаси, цемент заводи, кон-металлургия комбинати ва шунга ўхшаш бошқа саноат корхоналари жамоалари меҳнатини таъкидламоқ жоиздир. Худди шу корхоналар туфайли биз вилоятда минерал ўғитлар, нитрон толаси, қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларига қарши турли хил дориворлар ишлаб чиқаришни кўпайтиряпмиз.

Шунингдек, деҳқончилик ва чорвачилик соҳасидаги ишларимиз ҳам ёмон эмас. Пилла, дон, қорақўл тери ишлаб чиқариш йиллик режалари бажарилди. Айни кунларда эса мева-полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва харид қилиш қизғин давом этяпти. Айниқса пахтачилик диққат-эътиборимизда. Чунки эрта баҳордаги сурункали ёмғир гўза парваришини кечиктириб юборди. Бироқ мутахассисларимиз, пахтакорларимиз қараб туришгани йўқ. Мавжуд имкониятларни ишга солиб, жорий йил пахта хирмонини юксалтиришга ҳаракат қилишмоқда. Шу ўринда Сирдарё вилояти агросаноат комплекси ходимлари билан ўзаро мусобақалашиб ишлаётганимиз муҳим роль ўйнамоқда.


Мустақиллик қўлимизни янада узайтирди. Одамларда ташаббускорлик, янгиликка интилиш кучайди. Чет давлатлар билан ўзаро фойдали мулоқотлар, иқтисодий алоқалар ривож топиб боряпти. Маълумки, Навоий вилояти ишлаб чиқариш қуввати, саноати, қазилма бойликлари, қўйингчи, олтинга тенг қорақўли билан ажралиб туради. Агар Зарафшон, Навоий, Учқудуқ шаҳарларини саноатчилар, кончилар шаҳри деб атайдиган бўлсак, Конимех, Нурота, Томди, Учқудуқ районлари эса асосан қорақўлчиликка ихтисослаштирилган. Мазкур районларда 1,5 миллион атрофида қўй-қўзилар боқиляпти. Бу жумҳуриятимиз қорақўлчилигининг учдан бир ҳиссасига тенгдир. Бундан ташқари, вилоятимизда мармар, уран, олтин қазиб олиш ҳам кенг ривож топган. Бу қазилма бойликлардан самарали фойдаланиш мақсадида хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни йўлга қўя бошладик. Яқинда Хитой, Корея, италиялик ишбилармонлар билан шартномалар туздик ва келгусида Навоийда 30 дан зиёд йирик корхоналар қуришга келишиб олдик. Булардан ташқари вилоятда яйловлар унумдорлигини ошириш, сув иншоотлари қуриш ҳам ниҳоятда зарур. Ана шу мақсадда республика Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти вилоятимизда тез-тез бўлиб, бизга амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Вилоятимизнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири унинг кўп миллатлигидир. Ҳозир бу ерда 84 миллат ва элатларга мансуб 700 минг аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшаётгани байналмилаллик халқимизга хос фазилат эканлигидан далолатдир. Бугун Навоийда ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ ва тожиклар билан бирга қўни-қўшни бўлиб рус, украин, татар, бошқирд, немис, латиш, яҳудий, поляк ва болгарлар ҳам яшаяптилар. Кўп миллатлилик жиҳатидан айниқса Навоий шаҳри етакчи ўринда туради. «Навоий азот» ишлаб чиқариш бирлашмасини ҳақиқий маънода байналмилал жамоа дейиш мумкин. Ёки Мурунтов олтин конида Дағистов, Кокпатас ва Бўканай посёлкаларида минглаб, ўн минглаб бошқа миллат вакиллари оға-инидек ғоят қадрдон бўлиб, гапи бир ердан чиқиб яшамоқда. Бир сўз билан айтганда вилоятимиз тўла байналмилалликка асосланган. Асосий мақсадимиз ҳам ана шу кўп миллатлилик шароитидан келиб чиқиб, миллатлараро муносабатларни бундан кейин ҳам яхшилаб бориш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ҳар бир миллатнинг ўзига хос урф-одатлари ва қадриятларини қайта тиклабгина қолмай, уни изчил ривожлантириб боришдан иборатдир.

Байналмилаллик ва дўстлик, айниқса, республика истиқлолининг бир йиллиги кенг байрам қилинган шу кунларда янада ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Байрам айёмида хайрия ишлари ҳам авж олди. Барча маҳаллалар, овуллар, қишлоқ ва посёлкаларда ногиронлар, меҳнат ва уруш фахрийлари, кўп болали ва кам даромадли оилаларга совға берилди. Уларга баҳоли қудрат ёрдам кўрсатилди. Шунингдек биз энг олисдаги Қизилқум яйловларида қўй-қўзи, туя ва йилқи боқаётганларни, элимиз маъмурчилигига муносиб ҳисса қўшаётганларни ҳам унутаётганимиз йўқ.

Ҳа, мустақиллигимиз мустаҳкамланаверсин. Агар нурафшонлик, ҳуррият, дўстлик, камтарлик, ҳамжиҳатлик боқий бўлса, юртимизда ҳозиргидек тинчлик, осойишталик барқарор бўлса, албатта, маъмурчиликка тўқ ва тўкин турмушга етамиз.

Абдуҳолиқ АЙДАРҚУЛОВ,
Навоий вилояти ҳокими.



Навоий — кимёгарлар шаҳри.

Р. ШАГАЕВ олган сурат. (ЎзА).

АСЛ ЗОТЛАР ТИКЛАНДИ

Вилоят қорақўлчилигини ривожлантиришда Томди райони ўзига хос ўринга эга. Яқинда «Томди» ишлаб чиқариш бошқармасида сермаҳсул асл қорақўл қўйларнинг янги зоти тикланди. Бу зотнинг тикланишида илмий ишлаб чиқариш бошқармаси ҳамда Самарқанддаги Ўзбекистон қорақўлчилик илмий-тадқиқот институти олимлари билан қилинган ҳамкорлик яхши самара берди. Бу ўринда А. Бозорбоев, Ж. Карибоев, А. Приев сингари тажрибали қорақўлчиларнинг ғайрат-шижоати катта бўлди. Эндиликда бу асил қорақўл қўйларни биргина шу хўжаликнинг ўзида эмас, балки Учқудуқ, Конимех районлари ҳудудида ҳам муттасил кўпайтириш чоратадбирлари кўриляпти.

«АЗКАМАР» ИШ БОШЛАДИ

Қизилтепа районида «Азкамар» корхонаси иш бошлади. Бу корхонанинг асосий вазифаси гилни қайта ишлаб, маҳаллий маҳсулотлар тайёрлашдан иборат. Мазкур корхона иш бошлагач, Азкамар конида ишлар анча юришиб кетди. Эндиликда ер ости бойлигининг бир қисми ташқарига олиб чиқиб кетилса, қолган қисми шу ернинг ўзида қайта ишланиб, сопол буюмлари ишлаб чиқарилади. Натижада Қизилтепа районида кулолчилик ишлари ҳам жадал бошлаб юборилди. Келгусида корхонани янада кенгайтириш чоратадбирлари кўриляпти.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДОРИЛФУНУНИ

сунъий равишда ошириб юборилиши, монопол юқори даромадлар олинишига қарши турувчи соғлом рақобат муҳитини шакллантириш имконини беради.

Давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш кўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантиришда муҳим ўрин тутиши керак. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини меҳнат жамоаларининг манфаатларини ҳисобга олган, ижтимоий адолат принципларига риоя қилган ҳолда, давлат ва жамоатчиликнинг қаттиқ назорати остида, тасдиқланган махсус дастурлар асосида аста-секин амалга ошириш назарда тутилмоқда. Биринчи навбатда зарар кўриб ишловчи корхоналар, уй-жой фонди, маиший хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари ва ташкилотлари, савдо, умумий овқатланиш, маҳаллий саноат хусусийлаштирилиши керак. Бошқа тармоқлардаги корхоналарни хусусийлаштириш жараёни устун даражада ижарага бериш, акциялаштириш, корхоналарнинг жамоа мулки шаклига ўтиши принциплари асосида амалга оширилади.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни амалга оширишдан олдин чуқур таҳлилий изланишларни бажариш, шу йўлни босиб ўтган мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш лозим. Афсуски, ҳатто мутахассисларда ҳам хусусийлаштириш жараёнининг ўзиёқ ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, юқори даромад олишга олиб келади, деган тасаввур ҳосил бўлган. Амалиёт билан биринчи марта дуч келишдаёқ бундай тасаввур барбод бўлади. Одатда зарар кўриб ишлайдиган корхоналар техника билан дуруст жиҳозланмаган бўлиб, буюртмалар мажмуи йўқ ва ҳатто хусусийлаштирилгандан кейин ҳам улар илғор технология билан қуролланган, мустаҳкам хўжалик алоқаларига ва барқарор молиявий мавқега эга бўлган корхоналар билан рақобат қилишга қодир эмас.

Бошқа бир нарсани ҳам эътиборга олиш муҳим — ўзгариб турадиган бозор иқтисодиётини яхши биладиган, маркетинг, менежмент, молия ва кредит масалаларини тушунадиган, тайёргарлик кўрган менежер, ишбилармон кадрларга эга бўлмай туриб ўйламай-нетмай корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, малакасиз қўлларга топшириш, уларни барбод бўлиш хавфи остида қолдириш мумкин эмас. Шу боисдан хусусийлаштириш ҳам ёппасига коллективлаштириш сингари кампаниябозлик, бирон-бир ишлаб чиқариш турини ким тезроқ хусусийлаштиради қабилидаги мусобақа йўли билан ўтказилишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни бозор иқтисодиётига ўтиш учун зарур бўлган бошқа шарт-шароитларни вужудга келтириш билан боғлиқ ҳолда изчил ва ҳар томонлама ёндашувни талаб қилади.

Кичик тадбиркорликнинг янги иш жойларини ташкил этиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва товарлар билан таъминлаш, бозор конъюнктурасининг ўзгаришига тезда мослаша олиши имкониятини ҳисобга олиб, турлича мулк шаклларидаги унча катта бўлмаган корхоналарни ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилади.

Учинчидан, иқтисодиёт барқарор мавжуд бўлган шароитдагина бозорга муваффақиятли ўтиш мумкин. Вужудга келган вазият тангликни бартараф этиш учун шошилинч, баъзан нооммабоп чора-тадбирлар кўришни, ишлаб чиқариш ҳажмлари пасайиб кетишининг олдини олишни, пулнинг қадрсизланишини тўхтатишни, аҳоли турмуш даражасининг кескин ёмонлашиб кетишига йўл қўймасликни талаб қилади.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш — бу бозорни шакллантириш йўлидаги зарурий ва муқаррар босқичдир. Уни таъминлаш учун қуйидагилар зарурдир:

— Республика бюджети тақчиллигини чеклашга ва уни изчил равишда энг кам даражага келтиришга қаратилган қаттиқ молиявий сиёсат олиб бориш. Бошқарув аппаратини кескин камайтириш, зарар кўриб ишловчи корхоналарга дотациялар беришда давлат маблағлари сарфланишини янада қисқартириш. Бюджет маблағлари кечиктириб бўлмайдиган энг зарур давлат ва ижтимоий эҳтиёжларга берилиши керак. Солиқ сиёсатининг вазифаси — бир томондан, бюджет даромадларининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдан, иккинчи томондан, — корхоналарни республика учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантиришдан иборат;

— кредит-банк тизимини, пул муомаласини мустаҳкамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш. Банкларнинг кредитлари халқ истеъмоли моллари, бинокорлик материаллари ва бошқа ҳаётий муҳим маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш шарти билан берилади. Шу билан бирга асоссиз кредит эмиссиясига йўл қўймаслик қатъий тутилган йўлдир. Нақд тўлов маблағлари муомаласини тартибга солиш ҳам пул муомаласининг соғломлашишига кўмаклашади. Бир вақтнинг ўзида ўзимизнинг миллий валютамизни жорий этиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилади. Миллий валюта биринчи босқичда товар массаси билан ишончли равишда мустаҳкамланган, дунё валютаси билан боғланган ва кафолат топган ҳолда республикада алмаштириладиган бўлади;

— ишлаб чиқаришнинг ниҳоят даражада пасайиб кетишига, оммавий ишсизликка йўл қўймаслик. Ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантириш учун шароитлар яратиш зарурдир. Республиканинг ишлаб чиқариш, қурилиш ва илмий имкониятларини сақлаб қолиш муҳимдир;

— эркин нархларга ўтилишидан иборат умумий йўлда товарларнинг алоҳида муҳим турлари тор доираси нархларининг давлат томонидан назоратга олиниши сақланиб қолади. Энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, болаларга мўлжалланган бир қанча буюмларнинг чегараланган нархлари, норма билан бериш ҳисобига улар билан аҳолини кафолатли таъминлаш ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, товарларни сотиб олишда аҳолига катта имкониятлар бериш манфаатларига хизмат қилади;

(Давоми бор).

56. 57. 58. 59.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ 1992 ЙИЛ 25 АВГУСТ ФАРМОНИ НАФАҚАХЎРЛАРГА ҚАНДАЙ НАФ БЕРАДИ?

(Давоми. Боши биринчи бетда).

циентига кўпайтирилади. Ҳосил бўлган натижа — «замонавийлаштирилган» маошдир, ҳозир амалда бўлган қоидаларга мувофиқ нафақанинг янги миқдори мазкур маошдан ҳисоблаб чиқарилади.

Шуни эсда тутиш керакки, 1992 йил биринчи январдан бошлаб, республикада амал қилиб келаётган Қонунга мувофиқ нафақа тайинлаш учун нафақа тайинланишини сўраб мурожаат этган кишининг ҳоҳишига кўра, ишдаги мавжуд танаффуслардан қатъи назар охирги 15 йиллик ишдан исталган 60 ойдаги ўртача ойлик маош танлаб олинади.

Маоши унчалик кўп бўлмаган ишчилар, хизматчилар, колхозчиларнинг нафақалари миқдорларига батафсил тўхталмоқчимиз. Шу пайтга қадар уларга, стажининг кўпозлигига қарамай, энг оз миқдордаги нафақа тайинланар эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан бу адолатсизлик тугатилди. 1992 йил 1 сентябрдан бошлаб мазкур фуқаролар оладиган энг оз нафақанинг миқдори эркаклар 25 йилдан ва аёллар 20 йилдан ортиқ ишлаган ҳар бир тўлиқ йил учун маошнинг 1 фоизи миқдорида кўпайтирилади.

Ер ости ишларида, алоҳида зарарли ва алоҳида оғир меҳнат шароитидаги ишларда банд бўлган ишчилар ва инженер-техник ходимларга нафақа эркаклар 10 йилдан ва аёллар 7,5 йилдан ортиқ ишлаган ҳар йил учун маошнинг 1 фоизи миқдорида қўшимча равишда оширилади. бироқ барча ҳолларда нафақани бундай кўпайтириш миқдори 20 фоиздан ошмаслиги керак.

Маошнинг бир фоизи 12 сўм 50 тийиндан камроқ бўлган ҳолларда иш стажи учун энг оз нафақа миқдори 12 сўм 50 тийин қилиб белгиланади, ҳужжатлари орасида маоши тўғрисидаги ҳужжатлар бўлмаган тақдирда ҳам етаж учун энг оз нафақа шунча миқдорга етказилади.

Боқувида меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари ёки 1 ва 2 гуруҳ ногиронлари бўлган ишламайдиган нафақахўрларга нисбатан амалдаги қонунларнинг қоидалари ва меъёрлари, бинобарин, ижтимоий нафақаларнинг миқдорлари, шунингдек, белгиланган устама миқдорлари ҳам ўзгармай қолаверади — уларни боққанлик учун, авалгидек, энг оз миқдордаги меҳнат нафақасининг 100 ёки 50 фоизи миқдорида устама ҳисоблаб чиқарилади.

Республика Президентининг нафақаларни ошириш ҳақидаги қарори давлатнинг уруш ва меҳнат фахрийлари тўғрисидаги катта ғамхўрлигидан далолат беради, уларнинг турмуш даражасини оширишга кўмаклашади.

Ижтимоий таъминот идораларининг ходимлари илгари ҳеч қачон шундай миқёсдаги ишга дуч келмаган эдилар. 2,5 миллион киши олаётган нафақанинг истисносиз ҳаммаси қайтадан ҳисоблаб чиқилиши лозим.

Ишнинг мураккаблиги шундан иборатки, маош миқдори янгидан аниқланилиши ва шундан кейингина янги нафақанинг ҳажми белгиланиши, иш стажи ҳисоблаб чиқилиши ва талаб қилинган стаждан ортиқча ишнинг ҳар йили учун қайтадан ҳисоблаб чиқилган маошнинг 1 фоизи қўшилиши керак бўлади. Бироқ, ҳокимиятлар ижтимоий таъминот ходимларига олижаноб мадад беришлари, кўрилаётган чоратадбирларнинг муҳимлигини бутун жамоатчилик англаб турганлиги қайта ҳисоблаб чиқиш ишлари имкони борича қисқа муддатларда ўтказилишига кўмаклашади, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазири С. А. Хўжаеванинг ишонтириб айтишича, ҳар бир нафақахўрнинг Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг 1992 йил 25 август фармонининг қоидалари асосида ўзига тегишли нафақани сўзсиз олади.

(ЎзА).

ЧИНАКАМИГА ИШЛАШ ДАВРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

дор районидаги «Гулистон» жамоа хўжалигида бўлган мулоқотда қатнашган шифокор Шарифа Тўраева нотиқ сўзларидан таъсирланиб, Халқ демократик партиясига аъзо қилиб қабул этишни сўраб ариза билан йиғилиш раёсатига мурожаат қилди. Унинг аризаси қабул қилинди. Бундай ҳаяжонли воқеалар учрашувларда яна бир неча марта такрорланди. Партияга ёшлар ва турли миллат вакиллари ҳам кўплаб киряпти.

Вилоят марказда район партия кенгашлари котиблари билан бўлган учрашув пахта йиғим-терими арафасида партия ташкилотларининг фаоллигини ошириш, жойларда сиёсий тушунтириш ишларини кучайтириш масалаларига бағишланди. Бу соҳадаги ижобий тажриба умумлаштирилиб, камчиликлар кўрсатилди.

— Партия ходимлари учун ҳам чинакамига ишлаш мавсуми бошланди, — деб таъкидланди учрашувда. — Жонли сиёсий иш пахта даласига, шийпонларга, қабул пунктларига, қишлоқ хонадонлари ва чойхоналарга кўчирилиши лозим. Ҳосилнинг бир мисқоли ҳам далада қолиб кетмаслиги, ҳамма жойда қишга пухта ҳозирлик кўрилиши партиявий назорат остига олиниши зарур. Бу ишдан ҳеч ким четда қолмаслиги шарт.

М. М. Расуловнинг меҳнаткашлар билан учрашувларига ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Р. Мўминов ҳамроҳлик қилди.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚАНДАЙ ЯШАЯПСИЗ, ПАРТИЯДОШЛАР?

ОБРЎ НИМА БИЛАН ЎЛЧАНАДИ?

Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят Кенгаши ижроия бюроси мажлисидан қайдлар

Вилоят Кенгаши биринчи котиби Содиқ Нишонов мажлис йўналишини лўнда, тушунарли қилиб ифодалади:

— Айрим партия раҳбарлари мутлақо ишламай қўйишди. Биз ҳозирги шароитда масъулиятсизлик, қатъиятсизлик билан келиша олмаймиз. Мажлисда бугун очиқ-ойдин гаплашиб олишимиз керак.

— Баъзиларда кўнгилсизлик касаллиги пайдо бўлган, — луқма ташлади иккинчи котиб Шер Ғиёсов. — Улар бир амаллаб ҳоким назарига тушиб, бирорта лавозимни қўлга киритиш ниятида юришибди. Шундай кишилар «бизга бу иш тўғри келмас экан», деб очиғини айтиб қўя қолишсин.

Хуллас, ана шундай кайфият билан асосий масала муҳокамасига ўтилди. Кенгашнинг ички партиявий ишлар ва ноиблар билан ишлаш бўлими мудири Ёқуб Маматов партия ҳужжатларини топшириш ва уюштириш ҳамда партия аъзоларини ҳисобга олиш юзасидан партия кенгашлари вазифалари ҳақида чиқиш қилди. Рақамлар келтирилди, мулоҳазалар айтилди, хулосалар чиқарилди. Шаънига танқид айтилган ҳар бир киши албатта норозилигини изҳор этади. Дарвоқе, кўникиб қолганмиз бундай ҳолга. Ким ҳам ўзини бошқалардан кам кўргиси келади.

«Шу йилнинг ўтган даврида вилоят бўйича 867 киши ХДП сафидан чиқди. Каттақўрғон шаҳрида 141, Ургут районида 120, Иштихонда 106 киши... Ҳатто Каттақўрғон районида ҳам партиядан чиқаман деб ариза берувчилар тўпиляпти».
(Ё. Маматов маълумотидан).

Қизиғи шундаки, уларнинг бирортаси ҳам бошланғич партия ташкилотида муҳокама этилмаган. Маълум бўлишича, вилоят партия Кенгашининг собиқ ходимлари К. Тен ва Н. Бакаевнинг шу мазмундаги аризаси бошланғич ташкилотда кўриб чиқилган, холос. Шу ерга келганда С. Нишонов тутақиб кетди.

— Бу, нима деган гап, 800 нафардан зиёд киши сафимиздан чиқиб кетадию, биз қўл қовуштириб ўтирсак?! Нима учун кетишади улар?

— Ҳозир сабабини ўрганаяпмиз, чорасини кўраяпмиз...

— Бу сизнинг бўлимингизнинг камчилиги, ўртоқ Маматов! Сиз партия аъзолари билан етарлича ишламагансиз. Котиблардан шу нарсани қаттиқ талаб қилмагансиз... Ургутни нима жин урди? Қани ўртоқ Бобоев, жавоб беринг, нима учун сизнинг районингизда 106 киши партиядан чиққан? Сабабини ўрганиб, бошланғич ташкилотларда муҳокама этганмисиз?

— Дастлабки ариза олишда чалкашлик бўлган экан. 106 киши ариза берган бўлса-да, бирор марта ҳам мажлисга қатнашмаган, аъзолик бадалини тўламаган. Шу боис уларни рўйхатдан ўчирдик.

«Партияга қабул масаласида ҳам кўп районлар сусткашлик қилишаётир. Масалан, Ғузалкент, Тойлоқ районларида июль ойида, Нарпай районида июнь, июль ойларида ХДП сафига ҳеч ким қабул қилинмаган. Самарқанд районида партия аъзолари 7 ойда 11 тага кўпайган, холос».
(Ё. Маматов маълумотидан)

Бу гал вилоят Кенгаши котиби Ш. Ғиёсов истеҳзоли қочирим қилди:

— Кадрларимизни мақташга ҳам қўрқиб қолдик. Озгина таърифласак, ишни бўшаштириб юборади. Масалан, Нарпай, Пастдарғом, Ургут..

Нуробод район партия кенгаши биринчи котиби Пирим Мустафоевга ҳам минбарда туриш осон бўлмади.

— Сиз «Ўзбекистон овози» рўзномаси мухбири билан суҳбатингизда районларда маошсиз партия раислари бўлиши керак, деганингиз. Район партия кенгаши ходимларини қисқартириб, хўжаликлар директорларининг ўринбосарларига ўша штат маблағини бўлиб бергансиз. Лекин самараси қани бу ишнинг?

— Ахир бизнинг қишлоқлар бир-биридан узоқда жойлашган. У ерларга ҳар куни бориб-келиб бўлмайди. Телефон қилиш қийин. Чўл бўлса... Ҳалиги директор ўринбосарлари бизнинг номимиздан сиёсий клубларга бошчилик қилишаяпти...

— Хўп, буниси майли, нега янги билет учун суратга тушириш ёмон аҳволда. Бу соҳада энг охирги ўринда-сиз?

— Тушунинглар, ахир, биз чўлда жойлашганмиз. Чорвадорни суратга тушириш қийин. У доим яйловда. Ҳозир сартарош ва суратчи билан хўжаликларни айланиб юрибмиз. Қаерда ғалла ўрими тугаган бўлса, ўша ерда суратга туширишни ташкил этаяпмиз. Айтилган муддатгача барчага партия билетлари топширилади, ишонаверинглар...

«Аъзолик бадалларини тўплаш ёмон аҳволда. Айниқса Оқдарё районида бу кўрсаткич жуда паст. Кенгашнинг биринчи котиби Рустамов бу соҳада бурилиш ясай олмаяпти».
(Ё. Маматов маълумотидан).

Бу маълумотга Содиқ Аҳмадович изоҳ берди:

— Ҳасанбой бошланғич ташкилотлар билан жуда ёмон ишлаган. Биз районда айрим ташкилот котиблари билан суҳбат ўтказганимизда бу масалада Рустамов уларга мурожаат қилмаганлигини айтишди. Ахир район ҳисобида пули бор идоралар ҳам топилади. Фақат биз боргандан кейингина Рустамов аъзолик бадалларини эслаб, уларни ундириш ҳаракатига тушиб қолди. Нима, сизни доимо бир кишн туртиб туриши керакми? Район ҳокимининг айтишича, бу кишн ҳокимиятга партиявий ташвишлар билан мурожаат қилмайди. Умуман, партия котиби ҳоким билан доимо бамаслаҳат иш тутиши лозим.

Бенихтиёр қишда, Самарқандда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. Расулов билан бўлган учрашувни эсладим. Ўшанда Нарпай район партия кенгаши биринчи котиби Самандар Шукуров «Биз Президент партиясидамиз. Ҳукумат сиёсатини бутунлай қўллаб-қувватлаймиз. Шундай экан бизга имтиёз берилиши ва у қонуний жиҳатдан мустаҳкамланиши зарур. Тўғри, мен ҳозирча район ҳокими билан яқинман, ўртоқман, ўзаро ҳамкорликда ишлаймиз. Бироқ шахсий муносабатлар сиёсатда беқарор бўлади».

Ўшанда Самандар акани айримлар ёмон кўриб қолишган эди.

«Шаҳар ва район кенгашларида Низом нормаларининг бузилишн ҳоллари учрайди. Нарпай, Пахтачи ва бошқа бир қатор районларда йил бошида ёки 1991 йил декабрида берилган аризалар яқинда кўриб чиқилган. Партия ҳужжатлари нотўғри тўлгазилаяпти».
(Ё. Маматов маълумотидан).

Нозик русча матнларни назарда тутаяпти. Пахтачида ҳисоб карточкасига суд соғувчини «доярка» деб ёзишган. Бундай мисоллар жуда кўп. Янги билетга партия аъзоларининг исми-шарифи аксарият ҳолларда русча талаффузда ёзилмоқда. Ҳатто вилоят кенгаши биринчи котибининг фамилияси ҳам...

Назаримда вилоят кенгаши учун рус тили сиёсатидан қутилиш жуда оғир кечаяпти. Ходимларнинг 30—40 фоиз қисми давлат тилида ҳужжат ёзаолмайди. Деярли барча маълумотномалар авval рус тилида тайёрланиб, ўзбек тилига ағдарилади. Кириш сўзи, ҳатто айрим маърузалар ҳам... Техника ва молиявий ҳужжатлар мутлақо рус тилида олиб борилади. Дарвоқе, мазкур бюро мажлисида Ольга Муренконн бош ҳисобчи этиб тасдиқланди. Ҳеч ким ундан «давлат тилини биласизми?» деб сўрамади.

Яқинда партия кенгаши бошланғич ташкилотининг мажлиси бўлди. Унда кенгаш котиби Баҳодир Шермуҳамедов икки марта рус тилида чиқиш қилди. Мажлис қатнашчилари эътироз билдиришга мажбур бўлишди. Назаримда халққа яқинлаша олмаётганлигимизнинг сабаби ҳам халқ тилини, халқ маънавнятини яхши билмаганлигимиздадир.

ХДП Самарқанд вилоят кенгаши ижроия бюросининг биргина мажлисидан ёп дафтаримга қайд этишга улурган фикрларим ана шулардан иборат. Зеро бу мақола бюро мажлиси ҳисоботи ҳам, муаллифнинг унга шахсий муносабати ёки мулоҳазалари ҳам эмас. Табиийки, ҳозир оғир, аммо шиддатли даврда ишда хатолар ҳам бўлиши мумкин. Лекин энг муҳими, ана шу хатоларни ҳам ўз вақтида англаб олиб, тезда уни тузатиш чораларини кўришда. Шуни сира назардан қочирмаслик керак.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

НАВБАҲОРДА «МУСТАҚИЛЛИК» УЙИНГОҲИ ОЧИЛДИ

● **НАВБАҲОР району марказида ўн минг томошабинга мўлжалланган ўйингоҳ фойдаланишга топширилди.**

Бу ўйингоҳ асосан ҳашар йўли билан бунёд этилди. Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрамида ишга туширилган янги уйингоҳда дастлабки тантаналар, спорт мусобақалари ўтказилди. Ўйингоҳга «Мустақиллик» номининг берилиши мутахассис-мутасаддилар, спортчи-ю мухлисларни беҳад қувонтирди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Мустақиллик — менинг ифтихорим» фототанловига



Нон — дастурхонимиз баракаси. Т. МАҲКАМОВ олган сурат.

• *Анъана давом этади*

КИМНИНГ ҚОВУНИ ШИРИН?

Ўтган шанба ва якшанба кунлари Ўзбекистон пойтахти — Тошкентнинг энг кўркам жойларидан бири — Мустақиллик майдонида жумҳуриятимиз полизчиларининг кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Қатор тизилган расталарга қўйилган қовун-тарвузлар минглаб тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонларини ҳушнуд этди. Айниқса, Оқолтин районидаги Ризамат ота Мусамуҳамедов номли давлат хўжалиги бригада бошлиғи Саид Бойэшонов, шу райондаги «Фарғона» совхози полизчиси Абдували Туропов, Зомин районидаги «Ғалабанинг 40 йиллиги» давлат хўжалиги полизчилик бригадаси бошлиғи Исоқ Эшбеков, Андижон районидаги Тешабой Мирзаев номли давлат хўжалиги полизчиси Абдуманноп Асронов, шу райондаги «Истиқлол» давлат хўжалиги полизчиси Саидқул Тожибоев ва бошқалар келтирган қовунлар ўзининг серширалиги билан ажралиб туради.

Кўрик-танловда ўз касбига садоқатли, ҳалол фидойи деҳқонлар ғолиб чиқишди. Жумладан, Сирдарё вилоятининг Боёвут районидаги «Ғалаба» ижара хўжалиги бригада бошлиғи Худойберди Шербеков, Сурхондарё вилоятининг Гагарин районидаги А. Набиев номли давлат хўжалиги бригада бошлиғи Равшан Омонов, Хоразм вилоятининг Янгибозор районидаги «Бўстон» давлат хўжалиги бригада бошлиғи Комил Жуманов, Ўзбекистон сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ходими Рафиқ Ҳакимов, Самарқанд вилоятининг Иштихон районидаги «Муродобод» жамоа хўжалиги ижарачи полизчилар бригадаси бошлиғи Саъдулла Облоқуловлар ғолиб чиқишди.

Кўрик танловда Қашқадарё вилоятининг Нишон районидаги «Пахтаобод» хўжалиги бригада бошлиғи Ҳаким ота Усмонов келтирган қовун-тарвузлар айниқса яхши баҳо олди. Унинг растага қўйган қовун-тарвузлари тилёрарлиги билан ажралиб турарди. Бунинг устига отахонининг тарвузидан тайёрланган мураббо, шинни ва қовун қоқи ҳам кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди.

Ш. МИРҲАБИБОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

● АНДИЖОН

СИЛИКОН МОЙИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

● Андижон шаҳрининг қоқ ўртасида жойлашган гидролиз заводида спирт ишлаб чиқариларди. Маҳсулотдан ҳид тарқалиб, ҳавони бузарди. Завод Москва ихтиёридан Ўзбекистон қарамоғига ўтгач, гидролизчилар ўз касбини ўзгартира бошладилар. Корхона техника спирти ишлаб чиқаришдан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга мослаштирилди. Ўзбекистонда биринчи бўлиб, Силикон мойи ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Шу йилнинг охиригача 40 миллион сўмлик ана шундай мой тайёрлаш режалаштирилди. Россия, Болтиқбўйи, Қозоғистон, Украина, Ўрта Осиё республикалари ва Узоқ Шарқ ўлкасида бу маҳсулотга талаб катта.

— Корхонамиз жамоаси йилнинг биринчи ярмини муваффақиятли якунлади, — дейди завод директори Шуҳрат Мадазимов, — режадагидан қарийб бир миллион сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Йилнинг ўтган даври мобайнида 9 миллион сўм соф фойда кўрдик. Меҳнат унумдорлигини ошириш режаси 15 фоиз кўтарилди. Буғ, электр энергияси ишлаб чиқариш ҳам ортиғи билан уддаланди.

Завод атрофида жойлашган уй-жой бинолари, корхона, ташкилот ва бошқа ишхоналар учун буғ етказиб беради. Андижон ёғ комбинати, «Коммунар» заводини электр энергияси билан таъминлаб туради.

Шу йилнинг биринчи июлидан бошлаб корхонада иш ҳақи икки баравар ортди. Ҳар бир ишчининг ўртача маоши тўрт минг сўмга етди. Ҳар бир ишчига тушлик учун 20 сўм, йўлкира учун 5 сўмдан пул бериляпти.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ.

● ХОРАЗМ

ЭЛ СЕВГАН ФАРЗАНДЛАР НОМИ БЕРИЛДИ

● УРГАНЧ район ҳокимлиги ҲДП район кенгаши билан ҳамкорликда топталган қадриятларимизни, айниқса тарихий номларни қайта тиклаш, таниқли кишиларнинг хотираларини абадийлаштириш борасида қатор ибратли тадбирларни амалга оширмоқда.


Етим-есирлар ҳақида ғамхўрлик қилиш анъанаси қайта тикланиб, бундан буён бу хайрли ишнинг ижросини район ҳокимлиги бевосита ўз ҳомийлигига оладиган бўлди.

Калинин номи билан юритилган жамоа хўжалиги бундан буён Чингизхон билан мардонавор курашган қаҳрамон, Хоразм фарзанди Жалолиддин Мангуберди, Нариманов номли колхоз «Истиқбол», Энгельс номли колхоз ўзининг эски «Гулистон», Чапаев номли колхоз «Оқ олтин» номи билан атала бошлади.

— Райондаги Ленин номли колхоз аъзолари ҳам хўжалик номини жамоага қарийб 30 йил дарғалик қилган, хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, марҳум, раис Сотим ака Қаландаров номи билан аташни қатъий талаб қилишмоқда, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси район Кенгашининг биринчи котиби Ибодулла Абдуллаев. — Яқинда биз бу масалани район ҳокимлигида кўриб чиқиб, халқ депутатлари район Кенгаши қошидаги атамалар комиссияси розилиги билан Ленин номли колхоз Сотим Қаландаров номи билан аталадиган бўлди.

Эркин МАДРАҲИМОВ.

ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



● 1961 йил июнь ойида олинган бу суратда Ҳабиб Абдуллаев фарзандлари Раънохон ва Пўлатжонлар билан. (Оилавий фотоальбомдан).

АЗИЗ МУШТАРИЛАР!

● Газетамизнинг аввалги (29, 31 июль ва 4, 11, 15 август) сонларида ўқиган хотираларингиз буюк қалб соҳиби бетакрор истеъдод эгаси Ҳабиб Абдуллаев ҳаёт пайтидаги воқеалар эди. Унинг ўлими нафақат қавму-қариндошларни, балки, республика зиёлилари, ўзга элларнинг олимлари, уни орқаворотдан билганларнинг ҳам юрагида армон бўлиб қолди...

Фотима АБДУЛЛАЕВА

УМР ЙЎЛДОШИМ ҲАҚИДА

Эрталаб соат тўққизгача Ҳабиб Муҳамедовични медицина қоидасига кўра стационарда ушлашди. Болаларни уйга юборар эканман, уларга дадасига «меҳмон жойи»ни тайёрлашни буюрдим. Бундан қирқ кун илгари шу палатага Ҳабиб Муҳамедович билан келиб, шифосини берса, албатта «тузалиб чиқамиз» деб умид қилган эдим. Тақдир эса бутунлай бошқача ҳукм чиқарди ва мен у кишини мангу йўқотиб чиқиб кетяпман. Уйга келсак кўчадан бошлаб ҳаммаёқ супурилиб, сув сепилган, дарвоза ланг очиқ. Уй, ҳовли, кўчалар одамлар билан лиқ тўла. Соат ўн бирларда С. Азимов келиб, мен билан гаплашди. Улар: «Кун иссиқ, мурдани сақлаш қийин. Ҳабиб Муҳамедовични шу куни дафн этсак», деб таклиф қилдилар. Мен розилик бермадим. «Ҳабиб Муҳамедович кичик одам эмаслар, у киши бутун иттифоққа, қолаверса дунёга танилган одамлар. Узоқ-яқинга хабар қилинглар, улгурса келишар. Ундан ташқари бир кеча ўз уйларида, ойилари, менинг ва болаларининг меҳмони бўлсинлар, бугун эмас, эртага дафн қилайлик» деб илтимос қилдим.

Ҳабиб Муҳамедович ҳаётлигида санъатни, музикани севар эдилар. Буни қарангки, шу куни соат ўн иккилардан кеч тўққиз-ўнларгача боғимизда мунгли куйлар чалиниб, фарёд ва нола қўшиғи айтилиб турди. Мен бўлсам, бу жудоликка чидай олмай, фарёд чекиб зор-зор йиғлардим. Одамлар тўхтовсиз келишар, коридор орқали кириб, Ҳабиб Муҳамедович билан видолашиб, айвондан чиқардилар. Гўё Ҳабиб Муҳамедович бу боғдаги уйни ўзларининг маросимлари учун қургандек, мағрур бўлиб, жилмайиб кулгандек ётар эдилар. Кечасига биз билан қариндошлар, энг яқин дўстлар қолишди. Тунни оёқ устида ўтказиб, тонг оттирдик.

Йигирма биринчи июнь эрталаб олдинма-кетин Ўшдан Ҳабиб Муҳамедовичнинг ватанидан у кишининг қариндошлари, ёр-дўстлари етиб келишди. Жасад солинган тобутни Фанлар академиясига олиб боришди. У ерда ҳам ҳаммаёқ одам, гулчамбарлар билан тўла. Ҳабиб Муҳамедовичнинг қизил бахмал билан ўралган тобути чўғдек ловуллаб турар эди. Тобут усти, ён атрофлари гуллар билан кўмилган, фақатгина юзлари очиқ эди. Ўзлари бўлса ҳамон жилмайиб ётибдилар. Узоқроқ тикилиб қараб турсанг худди кўзларини очаётгандек туюлар эди.

Одамлар тўхтовсиз келишар, залнинг бир томонида миллий музика чалиниб, Ҳалимахон фарёд этиб куйларди. Иккинчи томонда бўлса, Европа оркестри мотам маршини чаларди.

Видолашиш соат уч яримгача давом этди. Тўртлардa Шароф Рашидов бошчилигидаги бюро аъзолари, аъзоликка кандидатлар, Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари ва министрлар кириб келишди. Улар навбатманавбат фахрий қоровулликда туришди. Кейин жасад солинган тобутни Шароф Рашидович, Титов, Қурбонов ва бошқалар кўтаришиб, эшикка йўл олдилар. Мен тобут орқасидан болаларим билан борар эдим. Нима бўлиб, эҳтимол чарчаганимданми, қолиб кетибманми, ўзим сезмапман. Шошилиб эшикка етганимда менга Шароф Рашидович тўғри келиб қолдилар, у киши мени машина томон олиб бордилар. Биздан олдинда қизил бахмал ёстиқларга қадаб қўйилган орден, медаль ва лауреатлик нишонини кўтарганлар, улар орқасидан гулчамбарлар ушлаганлар, машинада биз, сўнг партия ва ҳукумат вакиллари пиёда, улардан сўнг билган-билмаганлар у кишини охирги йўлга, абадий уйига кузатар эдилар.

Қабр устида митингни С. Азимов очдилар ва нутқ сўзладилар. Сўнг бошқалар гапиришди. Лекин кимлар нима деди—бирортаси ёдимда йўқ. Шу вақтдан бошлаб мен гўё ташқи олам билан бутунлай узилиб, фақатгина Ҳабиб Муҳамедовичга боғланиб қолган эдим... Мен у кишини бутунлай кўрмаслигим аниқ, уни бир умрга йўқотдим, деган оғир фикрлар миямни қамраб олган, бошқа нарсалар қулоғимга ҳам кирмас, кўзимга ҳам ҳеч нарса кўринмасди. Фақат ўзимни ушлашим керак, ўзимни йўқотмаслигим керак, деб қайтараверар эдим.

Ҳабиб Муҳамедовични дафн қилиб боғимизга қайтиб келганимизда, уй, айвон ва ҳовли саҳнига стол, стуллар қўйилиб, маърака дастурхони ёзилган эди.

Одам кўп, ҳамма жим. Маъракани С. Азимов очдилар. Аввал Ёдгор Содиқовна Насриддинова гапирдилар. Бунақанги маросимда нутқлар узун бўлмайди. Лекин С. Стародубцевнинг гаплари ёдимда. «Ҳабиб Муҳамедович академиянинг обрўйини кўтаришда мисли кўрилмаган ишлар қилиб, катта ўзгаришлар киритди. Академия қошида ўнлаб институтлар очди. Айниқса, кадрлар тайёрлашда академия тарихида шундай ишлар қилдики, ўн беш — йигирма йил давомида етишиб чиққан олимлар, Ҳабиб Муҳамедович экқан дарахтларининг ҳосили билинади. Олимлар сафи кўпайиб, унинг қилган меҳнати натижаси шу бўлади. Ҳабиб Муҳамедович ўз замонасининг Беруний, Улуғбек, Абу Али ибн Синоси эди. У жуда ёш кетди, ҳали элликка ҳам тўлмаганди. У яшаганда партияга, халққа, айниқса, илмга кўп хизмат қиларди. Илм-фан Ҳабиб Муҳамедовичнинг ўлими билан жуда катта йўқотишга учради».

С. Стародубцевдан сўнг сўзни Хафкин сўради. У асли москвалик бўлиб, зиёлилар оиласидан чиққан. Кучли мутахассис ва кенг маълумотли бўлгани учун Ҳабиб Муҳамедович кўп ташвиқотлар қилиб, уни Тошкентга олиб келган эдилар. Бухородаги гранит чиқарадиган корхонанинг директори эди. Тошкентга командировкага келганда, Ҳабиб Муҳамедович ҳамиша уни уйга олиб келар, улар узоқ суҳбатлашишарди. Хафкин гапирар экан, кўзи тўла ёш, энтикиб-энтикиб сўзларди. У шундай деди:

— Мен ҳаётимда кўп кишиларни учратдим ва улар билан ишладим. Лекин, Ҳабиб Муҳамедовичдек инсонни учратган эмасман. У ниҳоятда ақли тиниқ, зийрак, сезгир, бировлар гапирганда гапираётган кишининг сўзини бошидаёқ ўзида хулоса ясаб қўядиган, аммо сўзини охиригача оғирлик ва босиқлик билан эшитадиган ҳозиржавоб инсон эди. Ҳабиб Муҳамедович давлат арбоби сифатида раҳбарликни ажойиб олиб борар эди. У республика миқёсида қилинадиган муҳим ва катта масалаларни осонлик, енгиллик билан ҳал қила билиш қобилиятига эга эди. Бундай хосият, фазилатлар ҳаммага ҳам муяссар бўлавермайди...

Яна бир неча кишилар сўзлашди.

Маърака ҳам «ёпилди». Меҳмонлар аста-секин тарқалишди. Қариндошлар, ёрдўстлар, яқинлар биз билан қолиб, озгина бўлса-да, ғамимизни енгиллаштириш учун бирга бўлишди... Маърака тарқалгач, оймларнинг олдиларига кирсам, бечора тирик мурда бўлиб ётибдилар, Ҳеч ким боласидан кейин қолмасин, онани боласи кузатсин экан... Халқимизда «ўлганнинг кетидан ҳеч ким ўлмайди» дейишади. Шундайку-я, лекин ўлганнинг кетидан одам ўлмаса ҳам тирик мурда бўлиб, киши ўзига келгунча анча вақт керак бўлар экан. Ҳаётимнинг маъноси, мазмуни, болаларимнинг жонкуяр отаси, ҳаёт йўлдошимдан, чин инсон, одамийликда ягона, оламга машҳур олимимдан, бахтим-саодатимдан айрилганимга сира ишонолмасдим.

(Давоми бор).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

BP

ТИЖОРАТ БЎЙИЧА ВАКИЛ— ДИСТРИБЬЮТОР ФИРМАСИНИ ҚИДИРАМИЗ

Бу фирма бизнинг ишончли вакилимиз сифатида ишлайди. Унга Тошкентда, Ўзбекистонда фирмамизнинг мойлаш материалларини сотиш топширилади.

● «Би Пи» («BP») — «Бритиш Петролеум» ўз салмоғи жиҳатидан жаҳондаги учинчи нефть компаниясидир.

● «Би Пи» компанияси «Ойл дивижн» бўлимининг бир қисми «Интернэшнл лубрикэнтс маркетинг» Тошкентда, Ўзбекистонда савдо вакиллари — дистрибьюторлар қидирмоқда. Мақсад — ҳам «Би Пи» учун, ҳам тайинланган дистрибьютор учун ўзаро манфаатли асосда минтақанинг мойлаш материаллари бозорида «Би Пи» иштирокини таъминлашдир.

Бизга турли-туман мойлаш материалларини тақсимлашни зиммасига оладиган обрўли тижорат корхонаси ёки ҳуқуқий шахс керак. Маҳсулотимиз тақсимланадиган истеъмолчилар қуйидагилар бўлиши мумкин:

● — юк машиналарининг дизель двигателлари учун ёғ-мой керак бўлган истеъмолчилар — транспорт компаниялари;

● — енгил автомобиллар учун мотор мойини чаканалаб сотувчи станциялар ва магазинлар;

● — енгил автомобилларга техника хизмати кўрсатадиган устахоналар;

● — саноат корхоналари;

● — қишлоқ хўжалик корхоналари.

Бизнинг талабларимизга мувофиқ келадиган шахс ёки фирма ихтиёрида омбор, савдо базаси яратиш учун, шунингдек, мойлаш материалларининг дастлабки жамғармаси инвестицияси учун зарур маблағ бўлиши лозим. Бундан ташқари, бизга вакил бўлувчи шахслар «Би Пи» манфаатларини ҳимоя қилиб бозорга тезроқ киришишини таъминлашлари керак.

«Би Пи» ўз томонидан дистрибьюторга зарур ҳужжатлар билан таъминланган юқори сифатли мойлаш материаллари, савдо-сотиқни рағбатлантиришга мўлжалланган ёрдамчи материалларни етказиб бериш кафолатини беради, шунингдек, ўз фирмаси обрўси билан ҳам қўллаб-қувватлайди.

Биз Ўзбекистонга октябрь ойида бориб бўлғуси дистрибьюторлар — савдо вакилларимиз билан учрашмоқ ниятидамиз.

● Агар Сизни ёки Сизнинг фирмангизни ушбу таклифимиз қизиқтирса, «Би Пи Ойл Интернэшнл лимитед»га мактуб юборинг. Унда телефон, телефакс рақамларингиз ҳамда бошқа маълумотларни кўрсатишингизни сўраймиз. Манзилгоҳимиз қуйидагича:

Великобритания,
"BP Oil International Limited",
PO Box 106,
157-159 Mason Hill,
Bromley,
Kent BR2 9HH

BP

Телефон: (44) 81 290 8151
Телефакс: (44) 81 313 0833
Телекс: 888811 BPLDNX G

ЗАЁМ

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШГА ШОШИЛИНГ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 1992 ЙИЛГИ 12 ФОИЗЛИ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМИНИНГ БИРИНЧИ ТИРАЖИДА ОМАД КУЛИБ БОҚҚАН 250000 СЎМЛИК БОШ ЮТУҚ ЭГАЛАРИНИ ВА БАРЧА ЮТУҚЛИ ЗАЁМ ЭГАЛАРИНИ ТАБРИКЛАЙМИЗ!

НАВБАТДАГИ ТИРАЖ 30 СЕНТЯБРДА УРГАНЧ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИ. ЗАЁМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШГА ШОШИЛИНГ! БОШ ЮТУҚ СИЗГА НАСИБ ЭТИШИ МУМКИН.

ЗАЁМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ЖАМҒАРМА БАНКИ, АГРОСАНОАТ БАНКИ, САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ МУАССАСАЛАРИДА ЭРКИН СОТИЛМОҚДА ВА СОТИБ ОЛИНМОҚДА. СИЗ 12 ФОИЗЛИ ЗАЁМ СОТИБ ОЛИШ БИЛАН РЕСПУБЛИКАМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ЎЗ ҲИССАНГИЗНИ ҚЎШАСИЗ.

ОМАД ЁР БЎЛСИН!

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● «ШАКАР ОПЕРАЦИЯСИ» (ФЕЛЬЕТОН)
● ФОТИМА АБДУЛЛАЕВА: ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР
● ЭРКИН ВОҲИДОВ ИЖОДХОНАСИДА
● ТЕЛЕВИЗОРЛАР ВУХОРОДА ИИҒИЛАДИ
● МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ: «КИМГА ФОЙДАЮ, КИМГА ЗАРАР?»

БИНО ТАЪМИРЛАБ БЕРИЛДИ

Байрам арафасида Гулистонда вилоят музикали драма театри биносининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Санъат қошонаси беш йил аввал ёнғиндан барбод бўлган эди. Уни қайта тиклаш учун олти миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. 750 томошабинга мўлжалланган театр биносини Республика Қурилиш министрлигига қарашли етинчи қурилиш трести бинокорлари тиклаб беришди. этди.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 11 сентябрда чиқади.

Бош муҳаррир
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, ТОШКЕНТ — ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
● Мурожаат учун телефонлар: Қабулхона — 32-55-15.
Ахборот-тижорат хизмати 32-54-14.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди—21.00.
Г—340. № 178. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.